

**ВОЯГА ЕТМАГАН ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ОИЛА, МАҲАЛЛА, МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ**

Харатова Шахло Хакимовна,
Тошкент давлат транспорт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Назарова Нилуфар Жўраевна,
Тошкент давлат транспорт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Абдукаримова Гулчехра Баратовна,
Тошкент давлат транспорт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Рахимова Машхура Иномжоновна,
Тошкент давлат транспорт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Темирова Светлана Владимировна
Катта ўқитувчи, Тошкент давлат транспорт университети

Темирова Светлана Владимировна
Тошкент давлат транспорт университети
катта ўқитувчи

Аннотация

Мақолада вояга етмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчилик профилактикасининг психологик механизмлари тадқиқ этилган. Вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этишнинг сабаблари, турли омиллар, жиноятчиликни бартараф этиш, салбий таъсирини камайтириш мақсадида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ёшлар тарбияси, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, оила, турмуш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат, руҳий ҳолат, девиант хулқ-атвор.

Кириш

Мамлакатимизнинг тараққиёт босқичида, давлат даражасида амалга оширилаётган - камолотга етаклайдиган тадбирларнинг мажмуасини инобатга олиб, ёшлар даври деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз. Жамият тарихида ёшлар имкониятига эътибор қаратилиши ўз анъаналарига эга бўлиб, ёшларга тараққиётни таъминловчи куч, тинчлик ва барқарорликни ҳимоячиси ва вориси сифатида эътибор қаратиб келинган. Вояга етмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчилик профилактикасининг психологик механизмларини тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш бугунги кун талаби бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва

касбий шаклланишини аниқлаш усуллари чуқур ўрганиш ва динамикасининг хусусиятларини таҳлил этиш муҳим саналади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий баркамоллиги масаласига алоҳида эътибор қаратилишини назарда тутган ҳолда: “Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”[1] - дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ёшларга оид давлат сиёсатининг изчилигини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 19 январида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да ҳам ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан унда, асосий устувор вазифалардан бири сифатида “хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланиши янада кучайтириш лозим”[2]лиги қайд этилган.

Бироқ берилаётган эътиборга қарамасдан, ўсмир ёшлар ўртасида кузатилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг учраётганлиги мавзунини ўрганишнинг долзарблигини кўрсатмоқда[3,4,5,7,8,9,10,11,12,13,14]. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кун вояга етмаганларни ўзларининг йигирма йил олдинги тенгдошларидан фарқ қилишади. Ҳозирги ёшлар тез таъсирланувчан, мустақилликка мойиллиги юқорилиги ва шу билан бирга нисбатан бефарқ, ўз вақтларини мазмунли ижтимоий фойдали фаолиятига сарфлагиси келмайдиган айрим ўсмир ёшлар учраётганлигини ачинарли ҳолат сифатида изоҳлаш мумкин. Бунда ўсмирлар табиатида учрайдиган ўзига хос осон ва кўнгилочар машғулотларга мойиллик, зудликда бойиш истаги, агрессивлик, стресс каби психологик ҳолатларнинг тез-тез учраётганлиги муаммоли вазият сифатида кенг жамоатчиликни ташвишга солаётгани сир эмас. Бу каби салбий одатлар ўз навбатида ўсмирлар ўртасида турли кўринишдаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқармоқдаки, уларнинг сабабларини атрофича ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун вояга етмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчилик профилактикасининг психологик механизмларини тадқиқ ва таҳлил этиш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ёшларга оид давлат дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 19 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари, маърузалари, китоблари ва асарларида илгари сурилган концептуал ғоялар методологик асос сифатида олинди.

Шунингдек, хорижий ва миллий адабиётлар таҳлил этилиб, улардаги қарашлар, назариялар, ғояларнинг мазмун-моҳияти психологик жиҳатдан тадқиқ этилди. Жумладан, ўсмир ёшларнинг

психологик хусусиятлари мавзусига оид фикр-мулоҳазалар мамлакатимиз психолог олимлар Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Р.С.Самаров, М.Г.Давлетшин, Ш.А.Дўстмуҳамедова, З.Т.Нишанова, С.Х.Жалилова ва бошқаларнинг асар ва китобларида ўз аксини топганлигини кузатиш мумкин. Вояга етмаган ёшларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка оид хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ социологик тадқиқотлар олиб борган олимларнинг асарлари ва китоблари ҳам таҳлил этилди. Жумладан, М.Бекмуродов, М.Ғаниева, А.Юнусов, Ж.Маткаримова, Х.Хусанова ва бошқаларнинг илмий изланишлари, чоп этган монографияларида ўз аксини топган.

Халқаро илмий журналлари материалларидан ҳам фойдаланилди. Хусусан, хорижлик олимлардан K.Kwon, S.Shin, S.J.Park ва бошқаларнинг илмий мақолалари, шунингдек, мавзунини ўқитишга оид педагогик технологиялар ва дидактик жиҳат билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада қиёсий таҳлил, муаммоли вазият, мантиқий ва тизимли таҳлил, сўров, кузатиш, статистик таҳлил, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Ҳуқуқбузарлик - ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлган, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир[6].

Вояга етмаганлар ёшлар ўртасидаги жиноятчилик деганда, 18 ёшгача бўлган шахслар томонидан муайян вақт мобайнида маълум бир ҳудудда содир этилган жиноятлар йиғиндиси тушунилади.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этишда аввало уларнинг шахсини ўрганишга эътибор қаратиш жоиз. Вояга етмаганлар шахсининг алоҳида махсус ижтимоий типи сифатида ажратишга асос бўладиган тавсифга эга эканлиги масаласи анчагина баҳсли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Айрим муаллифлар жиноятчи шахс сифатида бошқа кишилардан фарқ қилади, деб ҳисобласалар, бошқалари жиноят содир этиш пайтида, шахсининг вазият билан ўзига хос алоқадорлигига ҳавола қиладилар ва жиноятчи шахсининг шахси барқарор ва ҳуқуқий бўлган бошқа кишилар шахсидан фарқ қилувчи алоҳида белгиларга эга эмас, деб ҳисоблайдилар.

Вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этишнинг сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар;
- носоғлом турмуш тарзи;
- ёмон ҳулқли шахслар билан алоқада бўлиш;
- ўқимайдиган вояга етмайдиганларнинг узоқ вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан шуғулланмаганлиги;
- вояга етмаган ёшларнинг нотўғри қабул қилишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг вояга етмаган шахсида жуда қийин кечиши;
- катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарликларга ва турли ғайриижтимоий хатти - ҳаракатларга жалб қилиниши;
- зўрлик ишлатишлар ёзилган турли китоб ва видеофильмларнинг таъсири;
- ҳаётдаги омадсизликлар ва ахлоқий эътиқодларнинг турғун эмаслиги;
- руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар;

- оммавий маданиятнинг салбий таъсири;
- айрим ҳаракатларга нисбатан романтик қарашлар ва шундай ҳаракатларни содир этишга мойилликнинг кучайишидир.

Таҳлил ва натижалар

Вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқбузарга айланиб қолишига турли омиллар сабаб бўлади. Бу омиллар айнан оила билан боғлиқ бўлиб, юз фоиз деб олинганда, унинг ўттиз фоизи нотинч, ахлоқсиз, жанжалли ва криминоген оила ҳиссасига тўғри келса, ташқи томондан “тинч” кўринувчи - худбинона - молпараст, руҳий яқинлиги бўлмаган ва педагогикадан хабарсиз оилалар олтиш фоизни ташкил этишини кузатиш мумкин.

Вояга етмаган ёшларлар руҳиятининг ғайриижтимоий кўринишларга имкон берувчи ҳолатларни қуйидагиларда кўрамиз:

- энг муҳим маънавий тушунчалар ва категориялар (ботирлик, қўрқоқлик, садоқат, сотқинлик, дўстлик, хиёнат, қахрамонлик, мардлик, камтаримлик ва бошқалар) ҳақиқий мазмуни ва аҳамияти тўғрисида нотўғри тасаввурлар.
- айрим шахслар, воқеалар, ҳодисаларни баҳолашда хато фикрлаш, бунда инсонни барча хусусиятлари ва сифатлари йиғиндисига кўра баҳолай олмаслик, яъни бирёқламалик.
- инсонни ҳақиқий мотивлари ва мақсадларини ҳисобга олмай, унинг хулқ-атворида оид ташқи кўринишларини афзал кўриш.
- шахснинг шаклланиши, организмнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши, тўла вояга етиш жараёни билан боғлиқ бўлган руҳиятнинг ўзгарувчанлиги.
- ҳис-туйғуларни жиловлай олмаслик, ўзгарувчанлик, ўта таъсирчанлик (қўзғалувчанлик), кайфиятнинг тез-тез ўзгариши.
- зарур билим ва тажрибага эга бўлмаган ҳолда атроф-муҳитга, барча янги ва нотаниш нарсаларда ҳодисаларга нисбатан кескин муносабат.
- жисмоний фаоллик, ташаббускорлик, ҳаётининг фаолиятнинг кучайиши оқибатида тўғри сарфланмаган куч-қувватнинг ҳаддан ошиб кетиши.
- ҳар қандай йўл билан мустақил бўлишга, ўз шахсиятининг аҳамиятини тан олдиришга интилиш. Маслаҳатлар, катталарнинг педагогик панд-насихатларни ва бошқа тарбиявий таъсир кўрсатиш шакллари хуш кўрмаслик.
- ўзининг “катта” бўлиб қолганлигини кўрсатиш ва исботлаш истаги.
- таъсирга берувчанлик, ўта ишонувчанлик, тақлидга мойиллик.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг содир бўлишига юқоридаги қайд этилган субъектив психологик омиллар ҳам сабаб бўлмоқда. Бу омилларни бартараф этиш, салбий таъсирини камайтириш мақсадида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаган ёшларнинг оила томонидан назоратсиз қолдирилиши ўқув ёки меҳнат жамоасининг таъсиридан чиқиб қолиши уларда масъулиятсизлик, турли салбий хулқларни ўзларида намоён бўлишига, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, девиантлик ва дилеквентликнинг намоён бўлишига шароит яратади. Девиант хулқ-атвор - кишиларнинг жамиятда расмий ўрнатилган норма (стандарт, андоза)ларга мос келмайдиган ҳаракати ҳамда ижтимоий салбий кўринишидир. Бу социология фани таркибида махсус социологик назария - девиант хулқ-атвор ва ижтимоий назорат социологияси сифатида пайдо бўлди ва

шаклланди[15]. Бу борада биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганидек: “Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик - бу, аввало, биз катталарнинг уларни тарбиялашда йул қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Шунинг учун ҳам, рухий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланиб қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш - аввало, биз ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади”[16].

Демак, вояга етмаган ёшларга ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида қўйидаги асосий мақсадларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади:

- ёшларга давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш;
- вояга етмаганлар ва ёшлар асоциал хулқ-атвори ривожлантирувчи омилларни аниқлаш;
- ҳаётнинг мушкул вазиятига тушиб қолган вояга етмаганлар ва ёшларга шошилиш ёрдам кўрсатиш;
- ўсмирларнинг мустақиллиги, ўз ҳаётларини назорат қилиш қобилияти ва юзага келган муаммоларни самарали ҳал этиш қобилияти даражасини кўтариш;
- инсон рухий тушкунлигига ёки ҳаёт омадсизликларига қарамай ўз ғурурини ва атрофдагиларнинг ўзини ҳурмат қилишларини сақлаб қолиши учун шароитлар яратиш;
- ўсмирда ижтимоий хизмат ходим ёрдамига зарурият қолмайдиган натижага эришиш[17].

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари биринчи марта содир этилганда уни жазосиз қолдириш ёки унга “панжа ортида” қараш, атрофдагиларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик одатларининг шаклланишига сабаб бўлади. Буни қўйидаги принциплар мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Профилактиканинг илмийлик принципи:

- 1) жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, бевосита профилактика чораларини амалда қўллашнинг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг қонуниятларини, унинг ижтимоий тизимдаги ўрнини билишга асосланган илмий концепцияни ишлаб чиқишларини;
- 2) профилактик фаолиятнинг барча даражалари, босқичлари, йўналишлари ва турларининг илмий-услубий жиҳатдан таъминланишини назарда тутати.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги 14 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг йиғиндисидир. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳам умуман жиноятчиликни вужудга келтирувчи омиллар таъсирида ривожланади. Шу билан бирга вояга етмаганлар жиноятчилигининг таҳлили айнан вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга қаратилиши лозим.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг анчагина қисми латент бўлиб қолмоқда, чунки атрофдагилар кўпинча уларнинг жиноятларини ёши билан боғлиқ бўлган шўхлик деб ҳисоблайдилар ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермайдилар. Натижада эса ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириши олдини олишга кеч қоладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Шу сабабли вояга етмаганлар жиноятчилиги қўйидаги ҳолатларига эътиборга олиш лозим:

- а) вояга етмаганлар томонидан солир этилган оғир зўрлик ишлатиб ва тамагирлик улар жиноятчилигининг 8 фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткич анчагина барқарордир.
 - б) вояга етмаганлар томонидан кўпроқ ўғирлик, талончилик, безорилик содир этилади.
 - в) вояга етмаганлар томонидан гуруҳ бўлиб содир этилаётган жиноятлар миқдори кўпаймоқда.
- Вояга етмаганлар жиноятчилиги тузилишида жиноят ҳуқуқий рецедивнинг ҳиссаси катталарникига нисбатан пастроқдир. Экспертлар ҳулосасига кўра вояга етмаганларга жиноий

жазо ўрнига бошқа жазо чоралари қўлланилгандан кейин улар томонидан қайта жиноят қилиш ҳоллари кўпроқ учрайди.

Ҳар қандай муайян жиноятнинг бевосита сабаби сифатида объектив ва субъектив омилларнинг мураккаб алоқаси ва алоқада бўлган шахс ҳамда муҳитнинг алоҳида қисмлар сифатида баҳолаш мумкин. Жиноят сабабларини очиш шахснинг маънавий шаклланиши, бузулиш ва ижтимоий бегоналашиш жараёнига кириб бориш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам алоҳида жиноятнинг сабаб ва шароитлари тадқиқий таҳлил қилиш шахснинг ижтимоий муҳит билан алоқасининг ҳар иккала даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак. Шу нуқтаи назардан жиноятларни олдини олиш вазифалардан келиб чиққан ҳолда муайян жиноят содир қилиши билан боғлиқ бўлган:

а) муайян жиноят содир қилишнинг ижтимоий - руҳий жараёни;

б) муайян жиноий хатти-ҳаракатнинг субъектив сабаби бўлган шахсдаги салбий маънавий руҳий ҳусусиятларнинг шаклланиш шароитлари;

в) муайян жиноят содир этилишини осонлаштирувчи, ёки содир этилишига кўмаклашувчи, ёрдамлашувчи ташқи вазият ва омиллар.

Ҳуқуқбузарликнинг юзага келишига турли омиллар таъсир кўрсатади, уларни мазмунан таснифлаш ушбу омилларнинг икки асосий гуруҳга мансублигини кўрсатади. Булар ижтимоий (объектив) ҳамда мантикий (субъектив) омиллардир. Мазкур омиллар худди ижтимоий ва психоонтогенез жараёнлар ўзаро алоқадор бўлгани каби биринчи вужудга келишига иккинчиси бевосита таъсир кўрсатади, яъни улар бир-бирини тўлдиради. Ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи хавф-хатар омиллари - бу гуруҳ ёки муҳит ҳамда индивид характерлари ўртасидаги алоқадорлик ва унинг муайян вақт оралиғида бузилиш эҳтимолининг юқори даражада бўлиши, деб тавсифланади. Хавф-хатар омиллари турлича кўринишда бўлиши мумкин. Булар:

- оилавий хавф-хатар омиллари (оиладаги келишмовчиликлар ва ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик, оилада жисмоний ва психологик зўравонлик, ота-оналарнинг алкоголь ва гиёҳванд моддаларга ружу қўйиши ва ҳ.к.);

- тенгдошлар гуруҳидаги хавф-хатар омиллари (тенгдошларининг салбий таъсири, сархуш ичимликлар истеъмол қилувчи дўстларнинг таъсири, ўқишни истамаслик ва ҳ.к.);

- индивидуал хавф-хатар омиллари (ўз-ўзини баҳолашнинг қуйи даражаси, зўравонлик, гиёҳвандликка нисбатан ижобий муносабат, ёмон ўзлаштириш, хулқнинг бузилиши ва ҳ.к.);

- таълим муассасадаги хавф-хатар омиллари (ёмон ўзлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қуйи ахлоқий даражаси, Таълим муассасада тамаки, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга олиб келувчи шароитлар мавжудлиги, таълим-тарбия жарраёнига эътиборсиз муносабатда бўлиш ва ҳ.к.);

- жамиятдаги хавф-хатар омиллари (жамиятдаги тамаки, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга олиб келувчи ҳаёт шароитлари, жамият аъзоларининг қўллаб-қувватлашидан четда қолиш, гиёҳванд моддаларни топишнинг мумкинлиги ва ҳ.к.).

- оммавий ахборот воситаларидаги, интернет хавф-хатар омиллари (ижтимоий тармоқлар, телевидение, интернетдаги кадриятларимизга, ижтимоий меъёрларимизга мос бўлмаган информацион маълумотла ва ҳ.к.).

Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш фаолиятини илмий таҳлил қилиш ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан бир қанча хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда асослаш имконини берди. Хусусан:

1. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш деганда, субъектлар ҳамда жамоатчиликнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, жиноят содир этишга олиб келувчи аниқ сабаб ва шароитларни бартараф этиш мақсадида уларга тарбия, ижтимоий назорат воситалари орқали олдини олиш таъсир чораларини қўллашдан иборат махсус алоҳида фаолияти тушунилади.

2. Вояга етмаганлар жиноятларининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни ўрганишда жиноят содир этишга олиб келувчи детерминантларни (омилларни) муаллиф уч гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан булар қуйидагилар:

- иқтисодий-ижтимоий соҳадаги омиллар;
- маънавий-руҳий омиллар;
- ташкилий-бошқарув соҳасидаги омиллар.

Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги тасниф асосида ўрганилган:

- 1) вояга етмаган шахс психологияси билан боғлиқ хусусиятлар;
- 2) вояга етмаган ўсиб улғаяётган муҳит билан боғлиқ хусусиятлар;
- 3) вояга етмаган шахсга таъсир қилувчи кучларнинг мақсади билан боғлиқ хусусиятлар;
- 4) вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш субъектлари фаолияти билан боғлиқ хусусиятлар[18].

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида улар ўртасида жиноятчилик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,9 фоизга (239/373) ва жиноят содир этган вояга етмаганлар сонининг 37,9 фоизга (289/466) камайганлиги қайд этилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилишнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йил 1 май ҳолатига кўра, вояга етмаганлар ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 (163/153) тага камайди[19].

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари”[20] белгиланган бўлиб, унга кўра:

- вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;
- вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш каби вазифалар ўз аксини топган.

Хулоса

Шундай қилиб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик сабабларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, маълум маънода улар ўртасида жиноятчиликни эрта аниқлаш, жиноятчиликнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзини тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларини кегайтириш имконини бериши шубҳасиздир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил - Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони-<http://xs.uz/uzkr/post/2017-2021-jillarda-ozbekiston-respublikasini-rivozhlantirishning-beshta-ustuvor-jonalishi-bojicha-harakatlar-strategiyasini-faol-investitsiyalar-va-izhtimoiy-rivozhlanish-jilida-amalga-oshirishga-oid-davlat-dasturi-togrisida>
3. Juraevna, N. N. (2021). Development of Communicative Competence the Youth as a Factor of Affecting Competitiveness (On the Example of Foreign Language Teaching). Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 9, 73-79.
4. Назарова, Н. Ж., Муратова, Д. А., & Жуманиязова, Н. С. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ. Scientific Impulse, 1(3), 331-336.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда).
6. Назарова, Н. Ж. (2022). ЁШЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛИДЕРЛИК ОМИЛИ. PEDAGOG, 1(2), 431-442.
7. Самаров, Р. С. (2016). Ижтимоий тараққиётнинг маърифий пойдевори. *Современное образование (Узбекистан)*, (12), 11-17.
8. Nazarova, N. J. (2021). YOUTH COMPETITION IN PROVIDING SOCIAL DEVELOPMENT. *Научный редактор*, 104.
9. Рахмонов, Д. А. (2017). THE SOCIAL-CULTURAL PECULIARITIES OF SOCIAL WORK (IN THE MODEL OF SERVICING OLDER PEOPLE). *Theoretical & Applied Science*, (11), 285-288.
10. Р.Ш Умарова.Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни// Достижения науки и образования, 2019
11. Р.Ш Умарова.Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни// Достижения науки и образования, 2019
12. Р.Ш Умарова.Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни //Проблемы науки, 2019
13. Р.Ш Умарова.Натурфилософия Абу Райхана Бируни// Вестник науки и образования, 2020
14. Р. Умарова.Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни//Theoretical & Applied Science, 2015

15. Акмал Мухитдинов, Камолиддин Зияев, Методика циклов методом синтеза. 2021. // Сеть конференций E3S. 6/4 Том №264.-С.01033
16. Анварович М.А., Зухритдинович З.К. Метод оценки энергоэффективности регулируемых ездовых циклов. // Обзор европейской науки, 2016 г.
17. Камолиддин Зухритдинович Зияев. Метод определения транспортной интенсивности в городских условиях 2022/9. Том №264.-С.111-114
18. K Ziyaev The Appeal is at the Center of Youth Issues. // Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021 Том №6.-С.-36-38
19. K.Z. Ziyayev -Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow. // The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021 Том №2.-С 27-36
20. U Ruzigul, J Nasirjan, A Dilmurodkhakim, H Mirshod. Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy // International Journal of Advanced Science and ..., 2020
21. Р.Ш Умарова, Г.Б Абдукаримова, Э.А Тухтабоев. Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки. // Проблемы науки, 2019